



Юлдуз ЗИЯЕВА,

ТДҮТА ўқитувчиси

E-mail: ziyayevayulduz@navoiy-uni.uz

ЎзДЖТУ профессори, ф.ф.д. Г. Халлиеванинг тақризи асосида

## “САРОБ” РОМАНИДА “ОШИҚ-МАЪШУҚА-РАҚИБ” ОБРАЗИ

Аннотация

Эпик тафаккурдаги катта жанрларни бирлаштириб турувчи назарий компонент образлар тизими хисобланади. Роман ана шундай катта жанрлар каторида бадиий адабиётда харакат килади. Шу нуткайи назардан келиб чиқиб роман жанрининг образлар тизимини жанр контекстида ўрганиш долзарблек касб этади. Мақолада Абдулла Қаххорнинг “Сароб” романида тарихий-анъанавий “ошиқ-маъшука-ракиб” образининг анъанавий ҳамда жаҳон романчилиги таъсири умумлашган ҳолда яратилгани, шунингдек, роман сюжетида “учрашув”, “айрилик”, “висол” мотивлари тадқик этилган. **Калит сўзлар:** Тарихий-анъанавий образ, “ошиқ-маъшука-ракиб”, “учрашув”, “айрилик”, “висол” мотивлари, образ яратиш маҳорати, психологик тасвир.

## ОБРАЗ «ВЛИОБЛЕННЫЙ-ЛЮБИТЕЛЬ-СОПЕРНИК» В РОМАНЕ «САРОБ»

Аннотация

Теоретическим компонентом, объединяющим основные жанры эпической мысли, является система образов. Роман работает в художественной литературе среди таких больших жанров. Исходя из этой точки зрения, представляется актуальным изучение образной системы романного жанра в жанровом контексте. В статье историко-традиционный образ «любовника-любовника-соперника» в романе Абдуллы Каҳхора «Мираж» создан путем обобщения влияния традиционного и мирового романизма, а также «встречи», «разлуки», «визуальной» Исследованы мотивы в сюжете романа.

**Основные слова и выражения:** историко-традиционный образ, «любовник-любовник-соперник», «встреча», «разлука», «визуальные» мотивы, мастерство создания образа, психологический образ.

## IMAGE OF “LADY-LOVE, SUITOR, RIVAL” IN THE NOVEL “SAROB”

Abstract

The theoretical component that unites the major genres of epic thought is the system of images. The novel works in fiction among such large genres. Based on this point of view, it is important to study the image system of the novel genre in the context of the genre. The paper examines the creation of the historical-traditional “lady-love, suitor, rival” image in Abdulla Qahhor’s novel “Sarob” under the influence of national and world novels. Furthermore, the motifs of “date”, “separation”, and “reunion” are explored in the plot of the novel.

**Key words:** Historical-traditional image, “lady-love, suitor, rival”, “date”, “separation”, and “reunion” motifs, characterization skill, psychological image.

**Кириш.** Абдулла Қаххорнинг “Сароб” романи совет мағфураси ҳукмронлик килган 30-йилларда яратилиб, бир қанча танқидларга учраган мураккаб асар хисобланади. Романдаги “ошиқ-маъшука-ракиб” образлар тизимининг такомили бевосита анъанавийликдан чекиниб гарб тамойиллари бўйича кўзга ташланади. 30-йилларда синфийлар зўр бериб тикиширилаётган ва асар марказига ишчилар синфига мансуб “совет кишиси”ни олиб кириш мажбурий эди. Албатта, бу талаблардан четта чиккан асарлар каттиқ танқид остига олинниб, кераксиз асарлар каторидан жой олган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Абдулла Қаххорнинг образ яратиш маҳорати ҳам кўп бора Саидий атрофида танқидга учраган. Саидий асар марказига олиб чиқилган ошиқ образи.

Айтиб ўтганимиздек, Саидий совет тузумида яшаган синфийлик қарор топган давр одами. Унда ижтимоий тузумнинг излари бўлиши табиий. Саидий образи анча мураккаб. Чунки Абдулла Қаххор Саидийга муайян вазифани юкламайди, у замонга мослашишга, ўзини топишга уринаётган одам. Абдулла Қаххорнинг ўзи асар ҳакида сұхбатлардан бирида муносабат билдирган: “Кейинрок, 1965-йили бир даврада адиб “Сароб” романи муносабати билан берилган саволга: “Танқид шу пайтга

қадар “Сароб”дан нукул сиёsat излади. Романдаги одамларнинг дарди-дунёсини, оҳ-у зорини эшитадиган бир азamat топилмади” [2]. “Сароб” романидаги учлиники талкин килишда ҳам адабнинг нуткайи назарини хисобга олишимиз керак. Романда ошиқ ва маъшукининг дарди дунёси зиддият, қарама-каршилик, номакбул максадларни кўзлаши бевосита синфийлик таъсиридан келиб чиқади.

Аввало, ошиқ, маъшука ва рақибининг позициясини белгилаб олишимиз зарур. Ошиқ – Саидий, маъшука – Мунисхон, рақиб – ижтимоий-сиёсий тузум. Ижтимоий-сиёсий тузумнинг рамзийлашган рақиб сифатида ошиқ ва маъшуқага таъсири турли қарашларга эга бўлган қаҳрамонлар орқали берилади. Саидий ва Мунисхоннинг битта синфдан эмаслиги, ошиқнинг маъшука доирасига киришга интилиши, маъшуқа назаридан энг юкори поғонадаги эркак сифатида қалбини забт этишига уринишга олиб келади. Шу жиҳатдан Саидий Мунисхон мансуб бой катламга яқинлашиш учун нотўғри йўл, одамларни танлайди. Саидий йўлсизликдан йўлни топишга ҳаракат килаётган, мақсадига етиш учун турли жамоа ва муҳитта ўзини урган одам. Саидий салбий кучларга эмас, аввало, ўзига қарши курашиши билан бошқа ошиклардан фарқланади. “Сароб”даги ошиқнинг характеристи жиҳати, ижобий фазилатлардан кўра салбий

жихатлари кўплиги салбий фикрлаши, ҳар имкониятдан ўзини топишга интилишида кўринади. “Ҳар ҳолда ёзувчининг мақсади Саидий образи орқали ижобий қаҳрамон – совет кишисининг образини яратиш эмас, совет кишиси бўла олмаган шахснинг инкирозини кўрсатиш эди. Шунинг учун ҳам Саидий йиллар давомида турли талқинларнинг объектига айланаб келди” [3]. Саидий образида жаҳон романчилиги таъсири сезилади. Биринчи, навбатда ошикка хос руҳониятнинг йўклиги бу образнинг гарбдан кўчганлигига ишора. Шарқ адабиётида мукаммал ошиклар атрофидаги ёвуз кучларга қарши курашади. Саидийда эса ич-ичидан емирилган жамиятга қарши курашишга ҳам, унинг вакилига айланishiша ҳам рағбат йўқ. Саидийнинг ички психологияк ҳолатини тасвирилаш орқали айни камчилик очик-ойдин кўрсатилган. Шўравий ҳукумат таъсирида яшаган Саидий руҳиятида ёлғизлик, истеъодини тўғри йўналтира олмаслик, ўзи мансуб жамиятга симаслик ҳолати кузатилади. Саидийнинг муҳитта мослаша олмаслиги Шариф, Эҳсон билан муносабатида кўринади. Саидийдаги руҳий эврилиш Шариф ва Эҳсон кабилардан узоклашиб ўзига мос муҳит кидиришга олиб келади. Саидий фикрлаши, ижодий фаолиятида Мунисхон, яъни маъшука муҳим ўрин тутади. Саидий ва Мунисхоннинг бир-бирига кўнгил кўйишида ҳам худбинлик, ўзини ўйлаш, қаҳрамонга айланishi орқали муносабатларни асослашга интилиш бор.

**Тадқикот методологияси.** Роман учлик тизимида “илк учрашув”, “айрилик”, “висол” мотивлари ҳам ўзгарган. Романида ошик ва маъшуканинг университет эшиги олдидаги “илк учрашув”ида Саидийнинг ички олами “Шу кизнинг бошига бир фалокат тушса-да, қуткарадиган киши ягона мен бўлсам” [1], деган ўй-фикри орқали берилади. Саидийдаги худбинлик Мунисхонни кўргандаёқ ўз ниятидан қайтиши, университетда ўқимаслик фикри ўрнида ўкиши нияти пайдо бўлиб колишида кўринади. Мунисхоннинг “Сайфийни биласизми?” сўровини ҳам “Бунинг хуснигина эмас, ҳатто кийган кийими мўжиза-ку, нега менинг отимни билади, нега на ӯзини паст олган товуш билан сўрайди?” [1], деб адаштириши Саидийнинг ҳарактерини очиб беради. Саидий шу жихатдан ўзини биринчи ўринга кўядиган, воқеаларни ўз истакларига бўйсундиришни, мослаштиришни хоҳладиган инсон эканлиги билан ажralиб туради. Илк таассурот Саидий образида кейинчалик жамият билан бўлган муносабатда очиби боради. У ўзи мансуб совет жамиятига мослашомлайди, атрофидаги одамларни ўз истакларига қараб ташлашга уриниши, дўстлари билан алоқани узиши, янги одамлар билан муносабат ўрнатishiша ҳам унга хос ҳарактер хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.

“Айрилик” мотиви романда ошик ва маъшуканинг ўз истаклари, мукаммал баҳтини кидириши, мукаммал баҳтини эса пул бор жойда кўришидан келиб чиқади. Мунисхоннинг танлови Мухторхон кўримсиз, лекин пулдор одам, Саидий эса Мунисхонга етишиши йўлини шон-шұрхат орқали топмоқчи, бунга эса Муродхўжа домла хонадонига яқинлашиш орқали эришмоқчи бўлади. Ташки хунуқлик маънавий хунуқлик олдida ҳеч нарса эмаслиги Сораҳон образи орқали очиб берилган. Сораҳон ташки кўринишида ҳам, маънавий баҳсада ҳам Саидийга ёт эди. Саидий ва Мунисхоннинг ҳамфикрлигининг жамиятдаги синфийлик қарави орқали узилиши улар мансуб доиранинг ижтимоий-руҳий таъсирида содир бўлди. У.Норматов шундай ёзади: “Романда Саидий билан Мунисхонни ҳалокатга олиб келган руҳий маънавий омиллар, жумладан, улар табиатига хос худбинлик, шахсиятпастлик, шұрхатпастлик ҳакида кўп ёзилди. Бунинг учун муайян асослар бор, албатта. Етакчи

каҳрамонлар, биринчи галда, Саидий ҳарактери, руҳияти, ҳатти-харакатлари, кисмати синчилаб кузатилса, табиатига хос энг ҳаракетли жихат унда катъият, сабот, “шахси бутунлик”, мустақил фикрлаш ва иш тутишнинг этицимаслигига эканига икор бўласиз”[2].

Саидий ўзи мансуб доирани ўзгартириб боради. Саидийнинг дунёқарашини ўзгартириб университетга киришга руҳлантирган Эҳсон – энг яқин дўстларидан бири. Лекин Саидий поччаси Мухаммадражаб таъсиридан чикиб кетгандек, Эҳсон доирасидан ҳам аста-секин узоқлашади. Саидий ҳамсұхбатларининг алмаштириб туриши, ўзини топиши мумкин бўлган янги доирага интилиши маъшука билан бўлган муносабатида ҳам акс этади. Саидий ёлғизликка ўчлиги, одамовилиги, кўрслиги бевосита муҳит таъсири билан боғлик. Саидийнинг шахсий-оилавий ҳаётida ҳам бир канча оғрикли нукталар бор: отасининг ўзини ўлдириши, онасининг эрта вафот этиши, поччаси хонадонидан ҳайдалиши, опасининг касалманд бўлиб қолиши унинг тақдирида, ҳарактерида из қолдиради, албатта. Ошиқнинг бундай хусусиятлари Фарб анъаналарига бўйсунади. Шафринга нисбатан муносабатида Саидийнинг руҳий ҳолати кўринади. “Шундай ҳам бетамиз одам бўладими, кўрдинки, сени хушламаётгирман, чиқ кет...” [1]. Саидийдаги ёлғизлик факат Мунисхон билан сұхбатлашишнингине инкор килмайди. Ошиқ ва маъшука ўртасидаги муносабат бир-бирига маънавий эҳтиёж ўлароқ керак эди, десак тўғри бўлади.

Саидийнинг адабиёт соҳасига, яъни кейинги доирага ўтишига ҳаммактаби Улфат сабабчи бўлади. Саидий энди шеър ёзиш, асар яратиш орқали ёзувчи бўлишни кўзлади. Умуман, Саидийдаги бекарорлик юқори погонага чиқишига йўл кидириш билан боғлик. Улфатнинг доирасида Аббосхон кабиларни топади. Саидийнинг шеър ёзишига яна бир сабаб рашк. Мунисхоннинг Улфат билан танишилиги Саидий ҳам унинг йўлидан юришга йўналтиради. Саидий Мунисхон турфайли университетда ўкишига карор килди, адабиёт оламига ҳам Мунисхонга ошно бўлиш учун кирди. Аббосхон, Салимхон, Муродхўжа домлалар доирасидаги кириб, қаҳрамонлик кўрсатишга уриниш ўзини оқламайди. Ошиқнинг ўзлигини топа олмаслиги “висол” мотиви гарб анъаналарига мос равишида асардан тушиб қолишига замин бўлди.

Саидий иш борасидаги катта-катта ниятлари амалга ошмагани ва бунинг камига оилавий баҳтсизлик сабаб ўзининг ҳаётини саробдек кўрди. Ҳаётда яшашдан мақсадини йўқотгач, ўз-ӯзини ўлимга маҳкум қиласди. “Ҳаёт жомини кўттардинг, унинг шарбатини таътиб кўрдинг, шунака, ичган сайин тагидан таҳири чиқа беради. Бас, энди, ҳаёт бозоридан харид килиб бўлдинг, энди бемахалга қолмасдан қайт! Бемахалга қолсанг кувғин ейсан. Асалдан тортиб майгача ҳаммасини татиб кўргансан, ҳаммасидан тўйғансан. Шу томогингдан бир қултум май ўтди нима бўлди-ю, миллион шиша май ўтди нима бўлди! Сени уч кун ортиқроқ умр кўришга мажбур киладиган нима қолди! Шундай экан нима килиб ўтирибсан, тур тезор!”[1].

Саидийнинг психологик ҳолати ўзини йўқ килишига ундаиди. У бутун умр ўзи ишонган, эътиқод кўйиган маслаги саробдан иборат эканлигини англаб фожиали ҳалок бўлади. “Лекин гулхан унинг кўз ўнгидан кетмас эди. Гулхан, ҳакиқий гулхан ловуллаб, учқунлар сочиб ёнмоқда. Аммо бу гулхан Мунисхон, оламшумул адаблик, водийга солинадиган қаср ва қасрнинг устида хиллираб турган кўк байроқ сингари узоқда бир сароб бўлиб қолди. Саидий ўзини кор кўмаётганини, оёғида бошланган қарахтлик аста-секин бошигача етганини аниқ билди ва хушидан кетди”[1].

**Хуоса ва таклифлар.** Кўриниб турибдики, романда инсон фожиаси мухит таъсирида шакланган психологияк ҳолат, маънавий йўқотиш натижасида юзага келади. Бунда замон ва шу замон одамларига хос хусусиятлар бевосита асар қаҳрамонларига таъсир қилиб секин-аста ўз домига тортиб кетган.

Совет даври адабиётида “ошиқ-маъшука-рақиб” учлик тизими синфиийлик асосида талқин қилинди. Ошиқ ва маъшука камбағал табақадан эканлиги уларни бирлаштириб, синфиийликка карши фаол курашга чорлади.

Рақибнинг бой табақадан чиққанлиги ошиқ билан қарама-каршиликнинг асоси сифатида берилади.

Умуман олганда, ўзбек мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётида тарихий-анъанавий “ошиқ-маъшука-рақиб” учлик тизими бир қадар тарихий боскичларни босиб ўтиб, мустакиллик даври романларига анъанавий образ сифатида ўтишига замин бўлди. Ушбу учликнинг мустакиллик даври романларида ҳам анъанавий ҳам жаҳон романчилиги таъсирида сентизлашиб, бадиий асар контекстида тизим сифатида ўз аксини топди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Қаххор А. Сароб. – Т.: “Қалдирғоч нашриёти”, 2019.
2. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари (Рус тилидан У.Жўрақулов таржимаси) –Тошкент: Akademnashr, 2015. 280-б.
3. Норматов У. Мағкуравий-сиёсий тазиик ва истеъодод қурдати/Устоз ибрати. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
4. Ҳамроқулова Х. Абдулла Қаххорнинг “Сароб” романидаги шахс фожиаси талкини. Т.: 2014.
5. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Faafur Fu'lom номидаги ММИУ, 2015.